


Дилмурод БОЗАРОВ

СИНЕРГЕТИК ПАРАДИГМА



ДИЛМУРОД БОЗАРОВ

СИНЕРГЕТИК ПАРАДИГМА

«ТАФАККУР» нашриёти
Тошкент – 2009

*Фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳбуба АБДУЛЛАЕВанинг
умумий тахрири остида.*

Наишр учун масъул:

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Акбар ЎТАМУРОДОВ.

Масъул муҳаррирлар:

*Фалсафа фанлари доктори, профессор Нигина ШЕРМУҲАММЕДОВА,
Фалсафа фанлари номзоди, доцент Шаҳноза ҚАҲҲОРОВА.*

Тақризчилар:

*Фалсафа фанлари доктори, профессор Қиёмиддин НАЗАРОВ,
Фалсафа фанлари номзоди, доцент Мурод УСМОНОВ,
Фалсафа фанлари номзоди, доцент Ваҳоб ҚЎЧҚОРОВ.*

Илмнинг кай бир соҳасида бўлишидан катъий назар, бирор-бир янги йўналишга юрак ютиб қўл уришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, ўша йўналиш оқилу-фозилларнинг кўплаб баҳс-мунозараларига сабаб бўлаётган фалсафий таълимотлардан бири бўлса. Қолаверса, биз томонларда энди-энди очилаётган кўрик бўлса...

Синергетика - «доноликни севувчи»лар қавмини хушёр тортириши, ўйлашга мажбур қилиши, кенг оммани эса ёз ёмғиридек ажаблантириши аниқ. Унинг маъно-мазмунни, мақсад-моҳияти эса ёш, истеъдодли олим Дилмурод БОЗАРОВнинг ушбу китобида ўз тафаккури имкони даражасида қаламга олинган, мавзу моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Ва муаллиф буни уддалаган.

Китоб мутолаасидан сўнг бунга амин бўласиз, деган умиддамиз!

ISBN 978-9943-372-64-1

© «ТАФАККУР» нашриёти, 2009 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ	
СИНЕРГЕТИКАНИНГ КАТЕГОРИАЛ ТАҲЛИЛИ	11
1.1. «Синергетика» тушунчасининг фалсафий таҳлили	11
1.2. Синергетиканинг асосий тушунча ва принциплари	38
II БОБ	
СИНЕРГЕТИКА – ЎЗ-ЎЗИНИ ТАШКИЛЛАШ НАЗАРИЯСИ ...	64
2.1. Ўз-ўзини ташкиллаш назариясининг генезиси ва эволюцияси ...	64
2.2. Ўз-ўзини ташкиллаш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари	80
III БОБ	
СИНЕРГЕТИК ПАРАДИГМАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛИ	105
3.1. Ҳозирги давр табиий-илмий ва фалсафий масалаларини ечишда синергетик парадигманинг ўрни	105
3.2. Синергетик тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари	125
Хулоса	139
Фойдаланилган адабиётлар	148

КИРИШ

Бугунги кунда ҳар бир мустақил давлат ўзига хос ривожланиш йўлини танлаган. Мустақил Ўзбекистон ҳам ўзига хос тараққиёт йўли, яъни, эволюцион юксалиш концепцияси асосида янада ривожланиб бормоқда. Бизнинг назаримизда ҳам мамлакатимиз раҳбари айнан шундай йўналтирувчи таклиф ва тавсияларни берган ҳолда жамият тараққиётини янада барқарор аҳамият касб этишида жонбозлик кўрсатди. Бирок, бундай барқарорлик тасодифлар асосига қурилмаган. Балки, бу борада кўпгина ислохотлар амалга оширилган. Булар ҳақида юртбошимиз И.А.Каримов куйидагиларни ёзади: “Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик”¹. Шу боисдан ҳам бундай мураккаб ўзгаришларни синергетик парадигмага суянган ҳолда чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, айнан у нафақат табиатдаги ўзгариш жараёнларини балки жамиятдаги ўзига хос эволюцион ривожланиш ҳолатларини объектив ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, синергетик парадигма мазкур жараёнларга доир турли муҳим йўналишларнинг муқобил принципларини очиб беради.

Синергетиканинг янги конструктив хусусиятидан бири шундан иборатки, унда постноклассик фан принципларининг махсус парадигмал хусусияти акс этган бўлиб, бу босқичдаги илмий ижодий тафаккур маҳсулларининг метафизикавий хусусияти ва экспериментал тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган илмий гипотезалар, моделлар, назарий ва эмпирик тадқиқотлар стратегиясини белгилаш ҳамда уларни объектив баҳолашда фундаментал аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.7.

Синергетика янги парадигма сифатида очик система-ларда ўз-ўзини ташкиллаштириш юзага келиши ва уларни қуллаб қувватловчи жараёнда коллектив, кооператив ўзаро ҳаракатларни тадқиқ қилишга мўлжалланган принциплар-ни инъос эттириш билан ҳам кенг илмий жамоатчиликни кизиштириб келмоқда.

Синергетика методологик жиҳатдан ўзида назарий қурилма ва гипотезаларни инобатга олиб, айнан микро олам-дан тортиб то мегаолам тубидан илмий билимларнинг турли соҳаларида амалий муаммоларни ечимини излаб топиш ва инсоннинг билиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам бера-диган информация олишни янги сифатий кўрсаткичларини ҳам акс эттирмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай ғоялар ва билимларнинг тарқалиши одамларга янги ишонч, қўшимча туртки беради. Яъни, инсонлар ўртасида ўзаро тушуниш, сайёрамизда умуминсоний руҳий-ахлоқий қадриятлар ғала-басига олиб келади.

Айтиш жоизки, жаҳон илмий жамоатчилиги фанлараро тадқиқот соҳаси сифатида вужудга келган янги илмий соҳа ва унинг изланишлари билан боғлиқ масалаларини қизгин ва кенг муҳокама қилмоқда. Бу муҳокамаларда махсус фанлар—физика, кимё, математика, биология, иктисодиёт, социология, сиёсатшунослик ва бошқа фан намояндалари билан бир қаторда файласуфлар ҳам фаол қатнашмоқда. Зеро, синергетика нафақат махсус фанларда ва улар ораси-да ётадиган соҳаларда юзага чиққан муаммоларни, балки азалдан дунёқарашга, фалсафага тегишли бўлиб келган му-аммоларни ҳам янгидан кўриб чиқиш заруриятини кўндаланг қўяди. Аммо биз шу кунгача олиб борилган тадқиқотларда баён этилган модел ва назарий кўринишлардан келиб чиқиб, синергетика ҳамма нарсага қодир, яъни ҳамма муаммоларни еча олади, ижтимоий-сиёсий вазиятни яхшилайти деб айта олмаймиз.

Умуман олганда, мазкур масалалар доирасида тадқи-қотларни янада такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, синергетикага таянган

ҳолда фалсафа ва фаннинг шу кунгача шаклланган кўпгина муаммоларини қайтадан таҳлил қилиш мумкин. Бирок, бу билан унга даҳлдор бўлган мутлақо янги йўлни кўрсатиш қийин.

Синергетика гносеологик ва эпистемологик маънода объект ҳақида олинувчи билимлар хусусияти фақат билувчи субъект фаолияти воситалари ва операцияларига эмас, балки унинг кадриятлари ва мақсадларига ҳам боғлиқлигини ҳисобга олувчи парадигма ҳисобланади. Бизга маълумки, тартибнинг барча параметрлари алоҳида қисмлар хатти-ҳаракатини белгилайди. Бу ерда синергетиканинг парадигмал асосга эга бўлган итоат қилиш принципи акс этади. Яна бир биз учун эътиборли бўлган масала, алоҳида қисмлар доимо маълум маънода буюрилган ҳолатдан оғиши, экстремал ҳолатларда эса умуман белгиланган меъёрлардан чиқиб кетиши билан боғлиқдир.

Ҳозирги давр фани ўзининг истиқболли йўналишларини белгилаб олишда янги парадигмал ва методологик соҳаларга зарурат сезмоқда. Аксарият олимлар синергетика соҳасидаги тадқиқотлар айнан шундай фан тараққиётининг прогностик ва стратегик асосларини излаб топишига ёрдам бериши мумкинлигини қайд этмоқдалар. Ўз навбатида, ҳозирда масалага бу тарзда ёндашишни ҳали ханузгача баҳс–мунозарага сабаб бўлаётган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, баъзи олимлар, хусусан, унинг асосчилари синергетикага “учинчи минг йиллик фани” деб муносабат билдираётган бўлсалар, бошқа тоифадагилар уни “ҳеч бир янгилиги бўлмаган соҳа” ёки янада кўполроқ қилиб айтганда “сохта фан, постмодернизм ўйинчоғи” деб ҳам қарамокда. Шунингдек, баъзи танқидчилар синергетикани дастлаб А. Смит кейинчалик К.Маркс қарашларидаги “кооперация” (лотинча–ҳамкорлик, ҳамдўстлик) тушунчасида ҳам ўз ифодасини топганлигини қайд этадилар. Ваҳоланки, бундай муносабат билдиришдан олдин фан тарихига назар ташлаш керак бўлади. Чунки, классик ёки ноклассик фанда асосий эътибор чизиқли тафаккурга асосланар эди. Эндиликда эса постноклассик фан

ночизикли тафаккурга эҳтиёж сезмоқда. Синергетика айнан шундай эҳтиёж хосиласи ўлароқ пайдо бўлган ва ҳозирда тобора ривожланиб бормоқда. Шу сабабли, илмий-назарий ва услубий адабиётларда синергетика масаласини ҳар томонлама ва мукамал фалсафий таҳлил этиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Нафақат Германияда, балки дунё илмий-тадқиқот институтлари ичида ўз ўрнига эга бўлган, Штутгарт университетининг “Назарий физика ва синергетика институти”да синергетикага доир 69 жилддан ортиқ китоблар ва рисо-лалар чоп этилган бўлиб, фаннинг 20 дан кўпроқ соҳасида илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Шу боисдан ҳам синергетиканинг илмий-методологик асосларини тадқиқ этишда шу соҳа доирасида тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг илмий изланишларидан назарий манба сифатида фойдаланиш мамлакатимизда олиб борилаётган синергетика соҳасидаги тадқиқотларни давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозиргача мамлакатимизда мазкур соҳада бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, турли грант лойиҳалари устида табиий-илмий ва фалсафий йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирга келиб мамлакатимизда ҳам синергетика ва унинг парадигмал масалаларини ўрганиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультетида грант лойиҳаси асосида чоп этилган тўплам ҳамда И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Наманган Давлат университети ҳамкорлигида ўтказилган синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган конференцияда кўпгина эътиборга молик масалалар кўтарилди¹. Бундай тадбирлар синергети-

¹ Синергетиканинг фалсафий масалалари. М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети Ресурс маркази “Ризограф”ида чоп этилган. – 2005. Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар: (илмий мақолалар тўплами) / Таҳрир хайати: М.Н.Абдуллаева ва бошқа. – Наманган: НамДУ, 2009.

ка парадигмасини тадқиқ этишдаги истиқболли ишларни олиб боришда муҳим ўринни эгаллайди. Дарҳақиқат, фалсафа ва фан тараққиётининг муҳим масалаларидан бирига айланаётган кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари синергетиканинг методологик имкониятлари (очик тизим, ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини бошқариш, автопоэзис, аттрактор, ночизиклилик, флуктуация, бифуркация, тартиб ва хаос, когерентлик, коэволюция, фрактал, кўп вариантлилик, муқобиллик)дан кенг фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Бундай имкониятдан самарали фойдаланиш асосида биз ҳозирги дунё ривожланишининг янги сифат босқичига кираётганлигини ва уни тушунишда янгича тафаккур тарзига ҳам мурожаат қилишимиз лозимлигини англаймиз. Ушбу илмий-назарий, ижтимоий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммони конкрет ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятлари билан боғлаб ўрганиш зарурияти ҳамда синергетиканинг методологик имкониятларини тўғри баҳолаш ниҳоятда долзарблигини кўрсатмоқда.

Синергетиканинг мурасасозлик хусусияти фалсафа ва фан тараққиёти учун зарур бўлган инновацион, фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб боришда кўл келади. Чунки, тадқиқот олиб боришдаги очиклик ва ҳамкорлик унинг самарали яқун топишига асос бўлади. Шунингдек, синергетикага тааллуқли бўлган қарашларда бир бутунлик парадигмаси олдинга сурилган бўлса ва унга мувофиқ олиб борилган илмий изланишлар ягона универсумни ташкил этади. Шунинг учун ҳам синергетиканинг мазкур жиҳати ҳақида фикр юритиб, С.П. Курдюмов ва Е.И. Князевалар “Синергетика – бу янги парадигма ва у жуда чуқур ҳамда кенг масштабли инқилобни юзага келтиради”¹ деган хулосага келишмоқда.

Синергетиканинг шаклланиши постноклассик фаннинг ривожланиши ва айниқса, шу муносабат билан илмий билимда кенг доирадаги парадигмал силжишлар рўй бераётгани билан боғлиқдир. Зеро, постноклассик фан инсон билан

¹ Князева Е.Н., Курдюмов с.П. Синергетика: нелинейность времени и ландшафты коэволюции. - М: Изд Едиториал УРСС, 2007. - 18 с.

боғлиқ мураккаб системаларни ўрганиш билан характерланади, бу эса кўп фанларнинг ҳамкорликдаги харакатини, дунёга яхлит трансфанга алоқадор назар (ёки қараш) бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини ривожлантирувчи системалар тадқиқотининг, фанлараро моделлаштириш ва лойиҳалаштиришни усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам синергетикани нафақат табиатшуносликда, балки ижтимоий-гуманитар соҳада, табиат ва инсонни ўрганувчи фанлар мулоқотида, таълим, педагогика, санъатда ҳам кенг қўллаш масаласи илгари сурилмоқда. Шунинг учун ҳам фалсафада синергетика янги парадигмал ёндашув сифатида маълум бир дунёқараш, билиш ва методологик характердаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам М.Абдуллаева “Синергетика ўз-ўзини ташкиллаштириш ва мураккаблик ҳақидаги умумий назария сифатида янги дунёқараш йўналиши ролини ўйнайди”¹ деб ёзади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, мазкур синергетик парадигмага оид муаммоли масалалар турли фанлар доирасида эришилган илмий изланишлар натижаларига таянган ҳолда, синергетиканинг асосий тушунча ва принциплари мазмунига аниқлик киритиш, илмий асосланган таърифларини ишлаб чиқишни такозо қилмоқда.

Синергетика методларини ўз-ўзини ташкиллаштирувчи системаларни ўрганишда қўлланилса фалсафа ва фан методологияси ривожига катта ҳисса қўшилган бўлади. Бизнинг фикримизча, бу жараён синергетиканинг таъсири натижасида илмий тушунчаларни билиш нуқтаи-назардан янги сифатий босқичга олиб чиқганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай илмий тушунчалардаги ўзгаришлар стратегияси онтологик маънода ҳам янги парадигмалар ва гипотезаларни шаклланишига олиб келади. Шундай парадигма сифатида ҳатто синергетиканинг ўзини ҳам эътироф этиш мумкин.

¹ Абдуллаева М.Н. Синергетика – новые возможности познания и действия // Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар: (илмий мақолалар тўплами) / Таҳрир хайати: М.Н.Абдуллаева ва бошқа. – Наманган: НамДУ, 2009. – Б.26.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1285> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1285> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1285>